XALQ DEPUTATLARI QOROVULBOZOR TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 31 - dekabr VI-57-74-2-38-K/21 Qorovulbozor tuman hokimligi

Қоровулбозор туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Қоровулбозор тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Қоровулбозор тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 29 млрд 787 млн 353 минг.сўм, харажатлари 57 млрд 289 млн 839 минг.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 27 млрд 502 млн 486 минг.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

6. 2022 йил учун Қоровулбозор туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми 535 млн 363 минг. сўм миқдорида белгилансин.

Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджет тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Бухоро вилояти вилоят бюджетидан туман бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетидан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларининг захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

9. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 598,0 млн. сўм миқдорида 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан

маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

б) туманнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент

божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

хусусийлаштиришдан тушган тушумлар ва бошқа солиқлар;

в) вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

11. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Джумаев, Молия бўлими мудири (А.Давронов), Давлат солиқ инспекция (А.Ғафуров) билан биргаликда:

Туман маҳаллий бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

туман маҳаллий бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

12. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ғафуров) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ

ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

13. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ғафуров), Кадастр агентлиги туман бўлими (Д.Эргашев) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

14. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ғафуров) ҳамда туман ҳокимлиги билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб

қўйилсин.

15. Мажбурий ижро бюроси Қоровулбозор туман бўлими (Б.Ҳалимов)га туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ғафуров) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

16. Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (Ш.Рахмонова) туман ҳокимлиги жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органига амалий ёрдам кўрсатсин.

17. Туман ҳокими биринчи ўринбосари Д.Джумаевга тегишли ташкилотлар билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра туманда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотишбўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «e-ijro auction» майончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

18. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Джумаев, туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ғафуров), туман молия бўлими мудири (А.Давронов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидентларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетга ўтказилишини таъминласин.

19. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Джумаев тегишли ташкилотлар билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

20. Қоровулбозор туман ирригация бўлими (Ҳ.Салимов) ва туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ғафуров) туман ҳокимлиги билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресуслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

21. Туман ички ишлар бўлими (Ф.Вафаев), туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (Ш.Шодмонов), Давлат хизматлари агентлиги туман бўлими (Ф.Ҳасанов) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

22. Туман молия бўлими (А.Давронов), Халқ таълими, мактабгача таълим ва Соғлиқни сақлаш тизими билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар ой якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи хар чоракда эшитиб борилсин.

23. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб

чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар бериш ҳамда мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

24. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Джумаев туман халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгаши билан биргаликда:

Туман маҳаллий бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда туман ҳокимлиги расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

25. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Джумаев, халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, тегишли ташкилот бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир

маротаба ҳисобот киритиб борсин.

26. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

27. Мазкур қарор “Қоровулбозор тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

28. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

29. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Джумаев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Остонов**

Халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-57-74-2-38-K/21-сон қарорига
1-илова

Қоровулбозор туманининг 2022 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2023-2024 йилга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз	Мўлжал	
			2023 йил	2024 йил
1	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	111,8	111,6	111,4
2	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	106,6	107,0	109,0
3	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,1	103,5	103,7
4	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	106,5	110,7	111,4

Халқ депутатлари Қоровулбозор
туман Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-57-74-2-38-K/21-сон қарорига
2-илова

Қоровулбозор туман маҳаллий бюджети даромадларининг

2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Айланмадан олинадиган солиқ	2 631 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15 463 200
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	110 000
5	Акциз солиғи, жами	
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	895 000
8	Юридик шахслар ер солиғи	
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 434 000
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	45 000
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	5 423 000
12	Давлат божи	
13	Жарималар	
14	Ижара тўлови	26 000
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	
16	Йиғимлар	732 000
17	Хусусийлаштириш	
18	Бошқалар	
ЖАМИ		**26 759 200**

19	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	3 028 153
-	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	1 145 998
-	Мобиль алоқа хизмати	652 828
-	Тамаки маҳсулотлари	1 229 327
20	Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар	27 502 486
ҲАММАСИ		**57 289 839**

Халқ депутатлари Қоровулбозор
туман Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-57-74-2-38-К/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Қоровулбозор тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
Харажатлар миқдори, Жами		**57 289 839,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	57 289 839,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
	қўшимча иш ҳақи ва ажратмалар учун индексация маблағлари	0,0
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Мактабгача таълим бўлими**	**3 066 928,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 066 928,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Халқ таълими бўлими**	**6 712 728,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 712 728,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	**Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар**	**2 807 205,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 807 205,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Соғлиқни сақлаш соҳаси**	**19 889 882,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	19 889 882,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5	**Маданият соҳаси**	**1 324 721,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 324 721,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**2 328 693,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 328 693,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

7	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**7 992 143,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 427 943,0
	Ички йулларни таъмирлаш, қуриш (реконструкция қилиш) харажатлари	564 200,0
8	**Ирригация бўлими**	**1 808 489,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 808 489,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Молия бўлими**	**1 029 152,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 029 152,0
	қўшимча иш ҳақи ва ажратмалар учун индексация маблағлари	
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
10	**Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш маркази**	**449 194,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	449 194,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**646 766,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	646 766,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун**	**134 679,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	134 679,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари маркази**	**645 187,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	645 187,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Туман ҳокимлиги**	**3 875 985,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 875 985,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**820 414,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	820 414,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Махалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бўлими**	**544 952,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	544 952,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

17	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ** *шу жумладан:*	**535 363,0**
	жорий харажатлар	535 363,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси** *шу жумладан:*	**2 677 358,0**
	жорий харажатлар	2 677 358,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-57-74-2-38-K/21-сон қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига 2022 йилдаги ажратмалари меъёрлари

фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи*	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи
1	Қоровулбозор тумани	0	100	20	100	0	0	100	0	100

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Ер қаъридан фойдаланган-лик учун солиқ (норуда материаллари)	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Давлат божи	Жарималар	Йиғимлар	Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратма**	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	Хусусийлаш-тириш	Бошқалар***	
2	Қоровулбозор тумани	100	100	0		0	100	0	100	0	0

Изоҳ: Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 3111104, 3111106, 3111300, 3111600, 3111800 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ туман маҳаллий бюджетига йўналтирилади.*

*** Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан давлат бюджетига ажратмалар бўйича 3412110, 3412112 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ вилоят бюджети даромадларига йўналтирилади.*

**** Ҳукумат қарорлари билан белгиланган нормативларга асосан тақсимланади.*

Халқ депутатлари Қоровулбозор
туман Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-57-74-2-38-K/21-сон қарорига
5-илова

Қоровулбозор туман маҳаллий бюджетининг
2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Бюджетлар номи	**Даромад ***	**Харажат**
ЖАМИ	**29 787 353,0**	**57 289 839,0**
Қоровулбозор тумани	29 787 353,0	57 289 839,0

** мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар бўйича ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда.*

Халқ депутатлари Қоровулбозор
туман Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-57-74-2-38-K/21-сон қарорига
6-илова

Қоровулбозор тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**27 502 486,0**
Қоровулбозор тумани	27 502 486,0

Халқ депутатлари Қоровулбозор
туман Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-57-74-2-38-K/21-сон қарорига
7-илова

Қоровулбозор туман маҳаллий бюджетида
2022 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Қоровулбозор тумани	598 000,0